



Мени кутиб олишга кучоқ очиб чиққан дугонамни кўриб, қотиб қолдим. Чунки у бундан 15-20 йил илгари урфда бўлган хонатлас, ўзбекча тикилган кўйлак-лозимда, бошида, ялтироқ сим ўтган ёшлигимизда севиб боғлаган рўмол билан эди... Хижолат бўлганимданми, уялганимданми, билмайман бошим айланиб кетди... Ҳурмат кўрсатиб сўз беришганида шу аҳволимни изоҳлаб, Ватан, миллат соғинчини ҳис қилган, қадрлаган дугонамга таъзим қиламан, дедиму йиғлаб юбордим... Кимдир кўз ёшимни соғинч ёшлари..., деди. Аслида ундай эмас эди...

ВАТАНГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

МИЛЛАТ ҚУДРАТИ

Тўғри, менинг ўзим ҳам русча ўқиганман. Аммо, бошқа тилларни билиш ўз тилимизни камситиш ёки унутиш ҳисобига бўлмаслиги керак! Эшитгансиз, машқда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади. Шундай экан, ҳозирдан бошлаб, то телевидениега боргунингизга қадар машқ, машқ ва яна машқ. Бу масалада ҳеч қандай баҳона бўлмаслиги керак. Билиб қўйинг, кимки кўрсатувда тилимизга русча аралаштириб, бузиб гапирса, қайтиб бу даргоҳга қадам босишни хаёлига ҳам келтирмасин!




“МЕВАЛАРИНИНГ ДОВРУФИ ХИТОЙГА ЕТГАН”

ёхуд венгер олимининг Хоразмга ташрифи битилган саҳифалар




БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ДУНЁНИ! 3



БИЗНИНГ БОРИМИЗ – АДАБИЁТИМИЗ 7

САМАРҚАНДНИНГ ЎЗИДАЙ КАТТА МУАЛЛИМ! 8



Ёз кунларининг бирида “Ёш олимлар клуби” мунозара телекўрсатувининг навбатдагисини тайёрлаш учун республика жарроҳлик илмий маркази директори қабулхонасига қўнғироқ қилдим. Гўшакни кўтарган котиба билан саломлашиб, бир ойча аввал директор билан бўлган келишувни эслатдим. У Восит Воҳидович беморлар олдида эканлигини айтиб, ўн-ўн беш дақиқадан сўнг қўнғироқ қилишимни сўради. Кейинроқ котибадан соат ўн бешда боришим кераклигини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Шинамгина қабулхонада котиба нималарнидир ёзиб ўтирар, унинг кордек оппоқ тиббий коржомаси ўзига ярашибгина қолмай, қадди-коматини янаям чиройли ва кўркли кўрсатар, ичкаридан аллома олим Восит Воҳидовнинг салобатли овози эшитилиб турарди. Салом-алиқдан сўнг, котибанинг таклифи билан директор ҳузурга кирдим. Бу пайтда Восит Воҳидович менга пешвоз чиқаётган, кабинетда ўтирган ўндан ортиқ ёш шифокор-олимлар ўринларидан туриб, чехрасидан нур ёғилиб турган устозга меҳр-муҳаббат ила бокиб туришар эди. Мен бу ҳолатдан бироз хижолат чеккандай бўлдим. Аммо, устознинг мен билан эски кадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашишлари шу зумдаёқ ҳамма-ҳаммасини ортга қолдирди.

— Булар менинг шогирдларим, — давом этдилар устоз фахр билан ёшларга юзланиб.

— “Ёш олимлар клуби”нинг қахрамонлари бўлишга арзигулик жарроҳлар. Мен қўлимни кўксимга қўйиб, мезбонлар билан саломлашдим. Чиндан ҳам уларнинг ҳар бири устоз Восит Воҳидовга муносиб шогирд эканлигини бир қарашдаёқ сезиш қийин эмас эди. Буни уларнинг ёниқ кўзларидаги ишонч ва катъийлик туйғулари ҳам ёрқин кўрсатиб турарди. — Биз асосий мавзу ва унинг олдида турган асосий вазифалар ҳақида келишиб олдик, — дедилар устоз мендан ташкилий масалаларни сўраб-суриштиргач. — Тўғри, ўттиз дақиқалик кўрсатувда ўн тўрт киши кўплик қилади. Бу фикрга қўшилмай бўлмайди. Чунки, муаммо ҳам, унинг ечими ҳам мужмал бўлиб қолади...

— Шунинг учун кўрсатувни икки қисмга бўламиз, — дедим мен ноқулайликнинг олдини олиб. — Етти ёш олим катнашадиган биринчи кўрсатувни шу шанба кун, иккинчисини эса кейинги ҳафтада намойиш этамиз.

— Маъқул, — дедилар домла хурсанд бўлиб. — Жуда соз. Икки кўрсатувда икки долзарб масала чуқур таҳлил қилиниб, аниқ таклифлар айтилишига кенг имкон бу. Ҳа, айтганча, кўрсатув ўзбек тилида олиб бориладими ёки рус тилида?

— Ўзбек тилида, — дедим мен мамнуният билан.

Бу гапни эшитган кўрсатув иштирокчилари бир қалқиб, шивирлашиб қолишди. Домла шогирдларига қараб туриб, “бу ҳам маъқул” дейишлари билан ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Саволлар бўлса, марҳамат! — дедилар Восит Воҳидович аввал менга, кейин шогирдларига нигоҳ ташлаб.

Даврада ўтирганлардан бири қўл кўтариб, ўрнидан турди.

— Кўрсатувни рус тилида олиб боришнинг иложи йўқмикан? — деб сўрамоқчи эдим. — Фикр айтишимиз учун осонроқ бўларди...

— Осонроқ бўларди денг, — дедилар домла кулимсираб.

Сўнг менга қараб давом этдилар:

— Айбга буюрмайсиз, булар рус тилида ўқиб, рус тилида ёзиб, ўзининг тилидан бироз узоклашган. Лекин, орқага қайтиш йўқ йигитлар. Чунки, “Ёш олим-

лар клуби” Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатуви. Уни Ўзбекистон халқи, зиёлилари, қанчадан-қанча касбдошларингиз кўради. Ундан кейин, паспортда ўзбек деб ёзилган шундай қоракўзлар Ўзбекистон телевидениесида рус ти-



сўзлашга ўргатади.

Мен бундан беҳабар хавотирланганча азонлаб телевидениега бордим. Ёш олимлар тайинланган вақтдан ярим соат олдин келдилар. Уларни жуда дадил, ўзига ишонган ва хушчақчақ кўриб, кўнглимдан “тайёргарлик ёмон эмас, шекилли” деган фикр ўтди. Студияга кириб, сценарий бўйича ҳамма нарсани жой-жойига қўйганимиздан сўнг, ёш олимлар тайёргарлигидан ташвишланиб турган режиссёрнинг ҳам кайфияти бутунлай ўзгарди.

— Кўрсатув давомида ҳам мана шундай гапирсангизлар марра сизники, — деди у йигитларга омад тилаб.

— Кўрсатувни рус тилида олиб боришнинг иложи йўқмикан? — деб сўрамоқчи эдим. — Фикр айтишимиз учун осонроқ бўларди...
— Осонроқ бўларди денг, — дедилар домла кулимсираб.

Ўша кун истеъдодли ёш жарроҳлар пухта билим эгаси эканликларини кўрсатиш баробарида ниҳоятда бой ва қудратли бўлган ўзбек тилининг бекиёс имкониятларини ҳам бўй-басти ила намоеън этдилар. Мунозара шунчалар кизгин ва кизикарли бўлганидан кўрсатувга ажратилган вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолибмиз.

Соат ўн бирларда мени раис ўринбосари Убай Бурхонов йўқлаб қолди.

— Кўрсатув дегани мана шундай бўлиши керак, — деди у хурсанд бўлиб. — Восит Воҳидович ҳаммангизга раҳмат айтдилар. Иккинчи кўрсатувни марказнинг ўзидан видео тасмага ёзиб олинглар. Аммо, бугунги кўрсатувдан асло қолишмаслиги керак! Тушунарлими?

— Тушунарли!

Эртаси кун режиссёр Тамара Маҳмадова билан республика жарроҳлик илмий марказига бориб, Восит Воҳидовичга раҳбариятимиз ва ижодий жамоамизнинг миннатдорчилигини етказдик.

— Бу раҳмат менга эмас, Ҳабибулланинг отаси Отаулла Оқиловга тегшли, дедилар домла хиёл жилмайиб. — Уялиб қолмаслик учун мен у кишидан иккинчи кўрсатувга ҳам ёрдам беришни илтимос қилдим. Йигитлар эса сизларни кутиб туришибди...

Режиссёримиз кўрсатувни ёзиб олиш жойини танлагач, иккинчи гуруҳ билан машқни бошлаб юбордик. Домланинг талаби тасир қилибми ёки Отаулла Оқиловнинг саъй-ҳаракати биланми, иккинчи кўрсатув катнашчилари ҳам бизгача анча пишиб қолган экан. Шундай бўлса-да, режиссёримиз ишдан кейин ёш олимлар билан икки кун тер тўқди. Иккинчи кўрсатув ҳам аввалгисидан қолишмади. Яна янги-янги ижодий ишларга илҳомлантирадиган ёқимли сўзлар эшитдик. Аммо, биз учун энг муҳими, тиббиёт ходимларининг ўзбек тилида булбулдай сайраганликлари мўъжиза бўлди.

Ўшандан буён сал кам қирқ йил ўтди. Бу орада халқимизнинг энг катта орзу-армонларидан бири рўёбга чиқди. Не-не машаққатлар билан ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш тўғрисида қонун қабул қилиниб, миллий манфаатларимизни ҳимоя қиладиган мустақиллик эса бу борадаги эзгу-ниятларимизни амалга оширишда кенг йўл очиб берди. Тан олиб айтиш керакки, ўзбек тилини бўй-басти ила тиклаш, унинг гуллаб-яшнаши ва миллатимизнинг бетимсол қудратига айланиши учун белни маҳкам боғлаб, арзигулик ишлар қилинди. Бирок, негадир ҳар йили 21-октябрь арафасида ўзбек тили ҳақида тўлиб-тошиб, фахру-ифтихор билан гапирармиз-у, кейин яна жим бўлиб қоламиз. Ахир, она тилимизнинг софлиги учун ҳар биримиз ҳар кун бонг уришимиз керак эмасми? Нега ўзбек тилига русча сўзларни қўшиб гапирадиган ва шевани дастак қилиб олган давлат ва нодавлат телевидениелари ўзим биламанга ўтиб олишиди? Ёки улар Президентимизнинг “... Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим!”, деган даъватларини унутиб қўйишдими? Ахир, она тилимизнинг ҳамма жойда ҳар доим юксакда бўлиши учун юрак-юракдан ёниб ишлаш, унинг мағрур ҳилпираб турган байроғини янада баланд кўтариш, она тилимизнинг гўзаллиги-ю, бекиёс даражада бойлигини аҳли оламга кўз-кўз қилиш энг аввало телевидение ва радионинг бурчи эмасми?!

Агар, мамлакатимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, ҳар бир таълим муассасаси, ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилот ва идора раҳбари давлат тилида гапириш, давлат тилида ёзиш, давлат тилида иш юритиш масаласида ўз жамоасида худди буюк олим Восит Воҳидовдек жонкуярлик, фидойилик, ташаббускорлиги қатъиятлик билан қараганида, бугун биз “янги ўзбеклар” тилида эмас, Алишер Навоий бобомиз тилида сўзлашадиган бўлмасмикан?! Бўлардик, албатта бўлардик! Энди кеч бўлди? Йўқ! Кеч бўлгани йўқ. Лекин, зое кетган ўттиз йилдан кўпроқ вақтга ачинмай бўлмайди. Буёғига керакли лўғатлар-у, қўлланмаларни пухта-пишиқ тайёрлаб, қуйидан юкоригача Алишер Навоий бобомиз асарлари мутолаасига бел боғласак, келажак авлодларимиз олдида уялиб қолмаймиз. Энг муҳими, Президентимиз даъватларига лаббай деб жавоб берадиган юзлаб эмас, минг-минглаб Восит Воҳидовлар топилишига ишиончимиз қомил.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси



БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ДУНЁНИ!

Мақтабгача таълим муассасаларида болаларни ахлоқий, меҳнат, ақлий, жисмоний, бадний хусусиятларини тарбиялаш ва ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил этиш бўйича салмоқли тажриба тўпланган. Оила тарбиясидаги қийинчиликлар ва муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун ота-оналар ва болалар билан параллел ишларни мувофиқлаштириш ва олиб бориш керак.

Болаларни оила ва болалар боғчаси шароитида тарбиялаш ва ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш керак. Чунки болалар боғчаси биринчи оилавий бўлмаган ижтимоий муассаса, ота-оналар билан алоқада бўлган ва уларнинг тизимли педагогик таълими бошланган биринчи таълим-тарбия даргоҳидир. Боланинг кейинги ривожланиши тарбиячилар ва ота-оналарнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ. Оилада фарзанд тарбияси учун қулай шарт-шароит яратиш, оила тарбиясида хатоликка йўл қўймаслик учун ота-оналар, энг аввало, муайян психологик-педагогик билимларни, амалий ва тарбиявий кўникмаларни тўлиқ ўзлаштириши зарур.

Бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- муаммонинг долзарблигини кўрсатиш;

- ота-оналар билан ишлашда табақалаштирилган ёндашувни ўрганиш;

- мақтабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналари билан ишлаш зарурлигини аниқлаш;

- ота-оналар билан ишлашнинг анъанавий ва янги фаол шакллари ажаблантириш;

- оила ва болалар боғчаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишни масъулия билан қабул қилиш.

Шу боис ушбу ишнинг мазмуни ва шакллари доимий равишда такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мақтабгача таълим муассасасида ва оилада болага тарбиявий таъсирларнинг органик бирикмасига эришиш, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга интиламиз.

Ота-оналарнинг педагогик маданияти даражаси, шу занжир остида болаларнинг оилавий тарбияси ҳам гуруҳнинг, хусусан, тарбиячиларнинг иш сифатига боғлиқлик ҳосил қилади. Мақтабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия воситалари ва усуллари ҳақиқий тарғиботчиси бўлиш учун болалар боғчаси ўз фаолиятида бундай таълим учун намуна бўлиши керак. Фақатгина шу ҳолатда ота-оналар тарбиячиларнинг тавсияларига қулоқ тутди ва улар билан алоқа ўрнатилганга тайёр бўлади. Ахир, мақтабгача

таълим муассасаларида болаларни тарбиялаш шакллари қанчалик жиддий ўйланган бўлмасин, ходимларнинг малакаси қанчалик юқори бўлмасин, ота-оналарнинг доимий ёрдами ва фаол иштирокисиз мақсадга эришиш мумкин эмас.

Айнан оилада болалар биринчи ахлоқий сабоқ олади, уларнинг характери шаклланади, оилада бошланғич ҳаётини позициялар қўйилади. Шу муносабат билан ота-оналар билан ишлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ва долзарб муаммога айлангани аён бўлади. Ҳамма ота-оналар болани тарбиялаш учун зарур бўлган умумий маданият ва педагогик билимларнинг етарли даражасига эга эмас. Болалар боғчаси ва оила ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги тури, ишнинг ўзгача шаклларида фойдаланиш мақтабгача таълим муассасалари тизимини янгиланишнинг ҳал қилувчи шартидир.

Ота-оналар билан доимий алоқада бўлиш керак ва айрим оилаларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш воситаси билан ота-оналарни болалар боғчаси ҳаётига фаол жалб қилиш, болалар билан тарбиявий ишларни ривожлантиришда иштирок этишга кучли даъват қилиш мумкин.

Ота-оналарга ўзаро муносабатларнинг анъанавий ва янги шакллари тақлиф қилиш орқали уларни қизиқтириш керак. Бу тарбиячилар ва ота-оналарнинг ноанъанавий учрашувлари, тарбиячилар ҳамда ота-оналар ва болаларнинг қўшма тадбирлари ўтказиш билан амалга оширилади. Ўзаро муносабатларнинг ижобий йўналиши учун биринчи ва ҳал қилувчи шарт – бу тарбиячи ва ота-оналар ўртасидаги ишончли муносабатдир. Оилани педагогик билим ва кўникмалар билан қуроллантириш, уларни бевосита назарий ва амалий, ташкилий фаолиятга маълум бир тарзда қоплаштириш муҳим вазифалар сирасига киради. Педагогик ҳамкорликни бундай ташкил этишнинг натижаси ота-оналарнинг нафақат ўз фарзандини, балки бутун гуруҳни тарбиялашда иштирок этишларига олиб келади. Доно халқимиз “бир болага етти маҳалла ота-она”

деб бежизга айтмаган.

Тарбиячилар ва ота-оналар бола тарбияси китобининг уйғунлашган саҳифалари бўлмоқликлари лозим. Ҳамкорлик муносабатлари томонларнинг тенглиги, ўзаро хайрихоҳлик ва ҳурматни англади. Улар бир манзилга, яъни соф тарбияга эга фарзандни вояга етказиш томон ҳаракатланаётганликларини онгли равишда ҳис этишлари даркор.

Ота-она ва тарбиячилар ўртасида муносабатларнинг ижобийлиги қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- тарбиячи ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч;

- ота-оналарга нисбатан хушмуомалалик, сезгирлик, ҳушёрликка риоя қилиш;

- ҳар бир оиланинг яшаш шароитининг ўзига хослигини, ота-оналарнинг ёшларини, таълим масалаларига тайёргарлик даражасини инобатга олиш;

- ҳар бир оилага индивидуал ёндашиш, гуруҳнинг барча ота-оналари билан ишлашни ташкил этиш;

- турли иш шакллари билан ота-оналар билан алоқасини мустаҳкамлаш;

- ота-оналар ва болаларга бир вақтнинг ўзида таъсир қилиш;

Тарбиячилар ва ота-оналар бола тарбияси китобининг уйғунлашган саҳифалари бўлмоқликлари лозим. Ҳамкорлик муносабатлари томонларнинг тенглиги, ўзаро хайрихоҳлик ва ҳурматни англади. Улар бир манзилга, яъни соф тарбияга эга фарзандни вояга етказиш томон ҳаракатланаётганликларини онгли равишда ҳис этишлари даркор.

- ота-оналар билан ишлашда маълум кетма-кетликни, тизимни таъминлаш.

Бундай иш тартиби тўғри алоқани топишга, ҳар бир оилага индивидуал ёндашишга ёрдам беради. Боланинг оиласини ўрганиш эса уни яқинроқ билишга, оиланинг турмуш тарзини, яшаш шароитини, анъаналарини, маънавий қадриятларини тушунишга имкон беради. Лекин шуни унутмаслик керакки, оилани ўрганиш нозик масала бўлиб, барча оила аъзоларига ҳурмат, самимийлик, фарзанд тарбиясида ёрдам бериш истагини талаб қилади. Ҳар бир оилада педагогик маданият шаклланиши даражаси мавжуд. Уни аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ота-оналар билан ишлашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тарбиячи ва ота-оналар ўртасидаги кундалик алоқалар жараёнида юзага келадиган психологик кайфиятга боғлиқ. Бундай муносабат ота-оналарнинг ўзига

бўлган индивидуал ёндашуви, ота-оналарнинг шахсиятининг хусусиятлари ва оилавий тарбиянинг қийинчиликлари қандай ҳисобга олинади билан белгиланади. Ҳозирги вақтда биз ота-оналарга педагогик таълим беришнинг барча усуллари ва шакллари билан, бу соҳада аллақачон ўрнатилган, ҳам инновацион, ноанъанавий тарзда фойдаланишга ҳаракат қилишимиз лозим ва уларни шу йўлда педагогик кўникмаларини шакллантиришимиз керак. Бу иш шаклларида деярли ҳеч бир ота-она четда қолмаслиги, деярли ҳамма фаол иштирок этиши, қизиқарли кузатишлари билан ўртоқлашаётгани, яхши маслаҳатлар билдириши эътиборга молик.

Фарзанд тарбияси энг аввало ота-она учун муҳимдир, сабаби бу фарзанд эртанги кунинг таянчи, янги наслнинг давомчисидир. Шунинг учун ҳам ҳамкорлик масалаларининг асосий қисмини ота-оналар ўз зиммаларига олмақликлари шарт. Аммо ҳар бир ота-она педагог эмаслиги бу соҳада ҳаммининг ҳам тажрибаси етишмаслигини инобатга олган ҳолда ушбу вазифа мақтабгача таълим ташкилотлари ходимлари зиммасига тушади. Буни эса давлат назоратга олади ва миллатининг келажак бўлиши кичкинтойлар учун катта сармоялар ажратади.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси бир нарсага қаратилган. Ҳамма замонда ҳам онанинг бола тарбиясидаги роли жуда муҳим ва беқиёсдир. Айни замонда эса оналаримизнинг асосий қисми ишли, ўқимишли аёллар сафида. Аммо тажрибаларнинг ҳаммасида ҳам бундай оналарнинг тарбияга яхши вақт ажратмаётганлари ойдинлашади. Кун давомида меҳнат билан шуғулланган она, табиийки, чарчайди ва ҳолдан тояди. Она меҳрига ва эътиборига муҳтож мурғак қалб эгаси эса ундан олиши лозим бўлган энергия миқдорини ололмайди. Болаларнинг тарбиясида оғишлар намоён бўлади. Бу оғишни болаларнинг мақтабгача таълим ташкилотларидаги ўзаро муомалаларидан пайқаш мумкин. Ўқимишли бўлиш ёки катта маош олиш онани бола тарбиясига вақт камроқ ажратишига сабаб бўлолмайди.

Манзилнинг маълумлиги, мақсадларнинг уйғунлашуви баркамол фарзанднинг вояга етишига қафолатли йўл харитасидир. Ҳар бир она бу нарсани ҳис қилмоғи учун онгли фикрлармоғи даркор.

**Зиёда ҲАМРОҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар Олмазор тумани
8-ДМТТ тарбиячиси**



**Тарихнинг кўхна саҳифаларини
варақламай туриб, бобо-бувиларимиз,
ота-оналаримиз, қишлоқдошларимиз
характерларидаги чизгилар ифодасида
биз шундай халқ, биз шундай миллат
эканлигимизни англадим.**

ВАТАНГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

Ўзи емай, меҳмонига тўкин дастурхон ёзадиган, йиллаб далада ишлаб, ипак курти боқиб, колхоздан йиллик пулини олганда тўйлар қиладиган, уйнинг гапини ташқарига чиқармай сабр қиладиган, бош ёрилса, рўмол тагида, кўл синса, енг ичида, эр деган урадида, деб оиласини сақлаб қоладиган, ажралишни фожиа, деб биладиган, қорни оч бўлса-да, кўлидаги нонини қўшнисига илинадиган, қишлоқдош қизнинг шаънини опа-синглисидек ҳимоя қила оладиган, ким нима деса ишонадиган ана шундай содда халқмиз, содда миллатмиз.

Яралмишимизда яратилган тупроғимиз шунақа оқ-қора, пок-нопок бўлгани боис яхшилар билан бир қаторда ёмонлар ҳам бўлиши табиий ҳолда. Демак, орамизда пихини ёрган муғомбирлар, фирибгарлар, халқнинг ҳисобидан текинга яшаб бойман, деб ҳамирдек шишиб юрадиганлар, ночорнинг ночорлигидан фойдаланиб тегиригини юритадиганлар, кўпнинг ҳаққи, боланинг ҳаққидан уялмайдиганлар, соткинлар, порахўрлар, виждонсизлар... кўйингки, ўзини кимлигини унутиб... параст бўлиб кетганлар сон мингта, ҳатто ундан ҳам кўп...

Инчунин, биз ўзлигимизни, ўзбеклигимизни унутмаслигимиз ШАРТ! Аждодлар олдида ҳам,

авлодлар олдида ҳам қарздорлигимиз, бурчлигимиз ҳам шу мезонда ўлчанади. Ижтимоий тармоқдаги мулоқотлар, муносабатлар, мулоҳазалар, таклиф баъзан тавсиялар ютуқларимизниям, камчилик ва нуқсонимиз, оғриқ жойларимизни ҳам кўрсатиб турибди. Бундан кўз юмишининг ҳеч имкони йўқ. Таълим, ҳуқуқ, оила, ватан, маънавият, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, иқтисод, қайси соҳада бўлмасин баҳслашишлар, кучи етса, ет-маса изоҳлар орқали тортишувлар, ҳаё, одоб чегараларини бузиб ўтиб уятсиз гапларни бемалол ёзаётган эркакларимиз, қизларимиз, ҳатто ёшлари улуг аёлларимиз учраб тургани ҳам рост! Саҳифаларни, постларни кузатсангиз бирор мавзу қолмайди, ҳисоб. Ҳаммасидан ўтиб тушаётгани туппа-тузук олий маълумотли кишилар постларини ўқиб туриб, илм олибдию, фаросатга келганида... бироз оксабди-да, деймиз...

Хусусан, мактаб партасида севишганлар, муаллимни калтаклаётганлар, ўз боласини сотаётганлар, юз тимдалаб, соч юлаётганлар, кундош излаётгану, доллардан кўйлак кийиб ўзини кўз-кўз қиладиганлар ҳам ўзимиздан эканлиги оғрикли бўлсаям ҳақиқат...

Ота-онасини кадрлаб Ҳаж сафарига юбораётган, кексайиб қолган устозини йўқлаб бораётган, эҳтиёжманд ҳамқишлоғига саховат кўрсатаётган, эл-юрт ташвишига елка тутаятган, топингани яхшилик, тутингани савоб бўлган эзгу амали билан элнинг назарига тушаётганлар ҳам ўзимиздан, ахир! Фақат бир чимдим фа-

росат, тиниқ тафаккур, тоза идрок билан олтин ораликни топиш ўзимизга боғлиқ. Биз Аллоҳ назари тушган, ҳеч бир муболагасиз жаннатмакон юртнинг фарзандларимиз. Минг йиллар аввал ҳам шундай бўлган, яна неча юз минг йиллар ҳам шундай бўлиб қоладиган миллат вакилларимиз. Бахтимиз шунда!

Бор бўлсин, интернет! Шу медиа майдон тупайли хорижда яшаётган ҳамюртларимиз ҳаётини ҳам кузатаман. Ҳавас қиламан. Хорижни эмас, Ўзбекистондан кўймасин. Аммо, ҳар ерда фаолият олиб бориб яшаётган ўзбекларнинг миллий маънавиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни асраб авайлашларини, қадрлашларини кўриб ҳавас қиламан. Ватан кадрини англаганларини кўринг. Ўзбекистон деса, уларнинг нигоҳидаги ҳаяжонда жисму жони садоқат нурига йўғрилишини ҳис қиламан.

Шу ерда бир воқеани эсламан. Нью-Йоркда яшайдиган бир дугонамиз Бухорода қизларига “саллабандон” маъракасини ўтказадиган бўлди. (Саллабандон, аёллик, оналик салтанати соҳибаси бўлган келинлар учун ўтказиладиган кичик маросим) Телефон қилди, дугонам. “Албатта, кел, кутаман” деди.

15-20 йил АҚШда яшаган, ўзгариб кетган бўлса керак. Мен-чи?! Дарров гўзаллик салони-га бордим.

— Қизлар, Америкадан дугонам келган. Мени умуман ўзгартиринг. Дугонамнинг олдида хи-жолат бўлиб қолмай, — дедим.

Қизлар шунақа безашдики, ўзим ўзимни кўриб ҳайрон қолдим. Мана, бўларканку, дедим. Чунки, безаниш, ясан-тусанларга унча ҳушим, ҳафсалам ҳам йўқроқман. Бу камчилигимни тан оламан.

Айтилган ресторанга етиб бордим. Мени кутиб олишига қучоқ очиб чиққан дугонамни кўриб, қотиб қолдим. Чунки у бундан 15-20 йил илгари урфда бўлган хонатлас, ўзбекча тикилган кўйлак-лозимда, бошида, ялтироқ сим ўтган ёшлигимизда севиб боғлаган рўмол билан эди... Хижолат бўлганимданми, уялганимданми, билмайман бошим айланиб кетди... Ҳурмат кўрсатиб сўз беришганида шу аҳволимни изоҳлаб, Ватан, миллат соғинчини ҳис қилган, қадрлаган дугонамга таъзим қиламан, дедиму йиғлаб юбордим... Кимдир кўз ёшимни соғинч ёшлари..., деди. Аслида ундай эмас эди...

Моҳира ШАКАРОВА

Халқ қабулхонаси – халқ хизматида

Халқ қабулхоналарида фуқароларнинг ариза ва шикоятни белгиланган тартибда, холислик тамойиллари асосида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига олий қадрият сифатида қаралаётганининг амалдаги ифодасидир.

Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган Халқ қабулхоналари одамлар оғирини енгил қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилояти Гиждувон тумани Халқ қабулхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Халқ қабулхонасига жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатида 1 минг 895 нафар жисмоний ва юридик шахслардан 2 минг 73 та масалага оид мурожаатлар келиб тушган. Шундан 373 таси юқори ташкилотларга юборилган. 85 таси Президент Администрацияси назоратида ўтказилган. 11 таси Халқ қабулхонасига кўриб чиқилган. 1 минг 706 таси худуддаги ташкилотларга юборилган.

1 минг 717 таси Халқ қабулхонаси назоратига олинган.

– Тумандаги 4 та сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ўтказилмоқда, – дейди Гиждувон тумани Халқ қабулхонаси мудири Усмон Ҳалимов. – Жойларда аҳоли учун долзарб муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида туман сектор раҳбарлари томонидан худудларда 262 мартаба сайёр қабуллар ўтказилди. Уларга 6 минг 454 нафар фуқаролар иштирок этган. 943 нафар жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланган мингдан зиёд мурожаатлар қабул қилинган. Шундан 60,8 фоизи қаноатлантирилган. 46,1 фоизи ижобий ҳал этилган.

Мурожаатлар билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Обод кишлоқ” дастури ижроси, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича давлат органлари ва ташкилотларга 21 та такдимнома, 9 та таклиф ҳамда Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 4 мартаба ахборот киритилган. Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг 7 нафар ходими огоҳлантирилган. 16 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилган. 1 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. 1 нафар ходим маъмурий жавобгарликка тортилган.

– Жовғари ва Шохамбек кишлоғида томорка ерларни суғориш учун сув танқислиги масаласи бўйича мурожаат қилган эдик, – дейди Гиждувон тумани “Жовғари” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Самад Чорикулов. – Мурожаатимиз ўз вақтида ижобий ечим топ-

ди. Томоркаларимизни суғориш учун 2 та сув насоси ўрнатилди. Натижада 300 га яқин хонадонлардаги томорка ерларни суғориш имконияти яратилди.

– “Аёллар дафтари”да рўйхатда турман, – дейди “Маҳалла Мирзаён” кишлоғида яшовчи Гулҳаё Шукурова. – Боқувчимиз йўқ. Бир нафар вояга етмаган фарзандим билан ижарада яшайман. Ипотека кредити асосида олаётган уй-жойимнинг бошланғич тўловини тўлашда қийналаётганлигимни билдириб Гиждувон туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилдим. Мурожаатим ижобий ҳал этилди.

Мухтасар айтганда, Халқ қабулхоналари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётини муаммоларини тезкорлик билан ҳал этишга кенг имконият яратмоқда. Одамларнинг оғирини енгил қилиб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА

Арминий Вамбери 1832 йилда Венгер шахарчаси Прессбург (илгариги эстергом) яқинидаги жойда яхудий оиласида дунёга келади. Отасидан китобга меҳрни мерос қилиб олган ёш Арминий кейинчалик Ўрта ва Марказий Осиёнинг машҳур тадқиқотчиси ва мутахассиси бўлиб етишади. Олим сифатида танилган Вамбери ўз даврининг илғор кишиси, машҳур олим, тилшунос, этнограф, сиёсатчи ва географ эди. У турк ва форс тилларини ўрганишдан ташқари ўзбек, туркман, қирғиз ва татар тилларини ҳам яхши билган.

Таникли олим Ўрта Осиёга икки марта сафар қилади. Биринчисида Туркия чегараларидан чиқмасдан тўрт йил уларнинг тили ва одатларини ўрганади. Европада ташқи журналист даражасига эришади. Венгрия фанлар академиясига мухбир аъзо сифатида сайланади. Осиёга биринчи саёҳати уни Европага, иккинчи саёҳа-



“МЕВАЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ ХИТОЙГА ЕТГАН”

ти эса жаҳонга машҳур қилди.

Ўрта Осиёда ўзини жосус гумон қилинишидан қўрққан ва кичик хатоси ҳам ўлимга маҳкум этажани билган Вамбери дарвеш қиёфасида шарқнинг муқаддас шаҳарларига кириб боради. Ўша пайтларда муқаддас кадамжоларни зиёрат қилиш мақсадида дарвешлар кўчиб юрганлар. Дарвешлар учун барча эшиклар очик бўлиб, ҳатто ҳукмдорлар уларни сийлаганлар. XIX асрда Техрон орқали Ўрта Осиёдан муқаддас Макка шаҳри йўналишида мунтазам карвонлар қатнар эди. Вамбери ана шу карвонлардан бирига қўшилган.

Турк элчиси унга мусулмонлар хурмат кўрсатиши учун Ҳожи Меҳмед Рашид афанди номи билан паспорт беради. Паспортга муҳр билан султоннинг имзоси қўйилган эди. Шимоли-шарқдан Каспий денгизига йўналган карвонга қўшилган “дарвеш” Вамбери Техрондан Мозандарон орқали Балх, Каспий денгизига чиқиб, ундан Қорақум чўли орқали Хивага келади. Дарвеш ҳаётидаги қийинчиликлар, жазирама иссиқда сувсизликдан ҳам кўпроқ унга бошқа нарса хавф соларди. Юз қиёфаси мусулмонларникига унчалик ўхшамаган Рашид афандини барча кузатарди.

Вамбери йўл давомида Истанбулда яшаган хиваликлардан маълумот йиғиб, Шукруллобойнинг турк султони саройида ўн йил элчи сифатида яшаганини аниқлайди. Хивада у билан кўришиб, ўзини истанбуллик нақшбандия тариқати издоши сифатида таништиради. Хива хони томонидан илиқ қарши олинган Вамбери Хивани ҳар томонлама ўрганади. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бўлиб, Ўрта Осиёдаги уч хонлик: Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари ҳақида муҳим маълумотларни йиғди, ўлкани тадқиқ қилади.

1864 йил март ойида саёҳатга чиққан Вамбери Эронга етиб боради ва у ердан Истанбул орқали Пешт (Будапешт) шаҳрига қайтади. Олим ўзининг саргузаштлари асосида 1864 йили “Ўрта Осиёга саёҳат” номли асарини ёзиб тугатган. Бу асар Фарбий Европа, Россия ва Шимолий Америкада катта қизиқиш уйғотиб, деяр-

ёҳуд венгер олимнинг Хоразмга ташрифи битилган саҳифалар

ли барча европа тилларига таржима қилинган. Асарнинг асосий қисми Хоразм хонлигига бағишланган. Муаллиф ўзининг Хивага келиши, хон билан учрашуви, Хиванинг пойтахт сифатидаги мақоми, асосий туманлари, дарвозалар ва шаҳар мавзелари, бозорлари, масжидлар, мадрасалар, миршаблар, хон ва унинг ҳукумати, солиқлар, судлар тўғрисида аниқ ва батафсил маълумотларни келтиради. Шунингдек, хонлик, каналлар, маъмурий бўлиниш, деҳқончиликдан олинган хосил, ҳунармандчилик ва савдо, аҳоли таркиби тўғрисида ҳам батафсил ёзади.

XIX асрда Хиванинг тарихи, хонлар ва уларнинг шажарасини ёритиб берганлиги, воқеа-ҳодисаларни ҳолис баён этиши билан Вамберининг мазкур асари муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Хива шаҳрига ташриф буюрган венгер сайёҳи бу шаҳарнинг кўриниши ҳақида ҳам ёзиб қолдиришга интиланган. Жумладан, “Хивага яқинлашганим сари майсазорлар тобора яшнаб бошлади. Мен аввал кўз ўнгимдан кетмайдиган саҳронинг даҳшатли тимсоли билан Хивани бир-бирига таққослаганимда уни бунча гўзал деб ўйламагандим. Европанинг энг гўзал жойларида бўлганимдан сўнг ҳам баланд-баланд тераклар билан ўралган кичик ҳовлилар, гўзал майсазор яйловлар ва далалари билан Хива мен учун гўзаллигини ҳеч қачон йўқотмади. Шарқ шоирлари бу ерларда ўзлари учун форс даштларига қараганда муносиброқ мавзуларни топган бўлардилар. Боғлар ичра қад кўтарган Хива ўз минора ва гумбазлари билан кишида ижобий таассурот уйғотади”.

Олим Хива аркининг муфассал тавсифини келтириб шундай ёзади: “Ўрта Осиёдаги барча ҳукмдорларнинг саройи каби Хива арки жуда ҳам мустаҳкам ва икки қават кўрғон билан ўраб олинган. Биз тор дарвозадан соқчилар, бошқа навкарлар ва хизматчилар билан тўла биринчи ҳовлига киримиз. Кираверишда эса иккита узун тўп туради. ... Иккинчи дарвозадан

киришингиз билан сиз кенг ҳовлига чиқасиз. Ҳовлининг бир бошидаги саройга ўхшаш ҳовлида меҳтар раислигида юқори амалдорлар кенгаш курадилар. Бу бинонинг чап томонидаги (қоровулхонага ўхшаш) бир бинода кундузи хоннинг фармонини кутиб лик тўла навкарлар, миршаблар ва жаллодлар турадилар. Шу иккала бинонинг ўртасида оддий эшикдан

ширин сув Амударёни. Бу дарёнинг минералларга бой сувлари билан суғорилган хонлик ерлари серунум бўлган. “Шу хусусияти билан Амударё Нил, Зарафшон дарёсидан устундир. Хонликда бир таноб ердан 100 ботмон буғдой олинар эди. Энг яхши буғдой ва жўхори Бухоро ва Хивада етиштирилади”, дея маълумот беради олим.

Венгер олими Хивада маданият ри-

Хива хонининг турар жойига кирилади”, – деб қайд этади у.

Сайёҳ олим давлат бошқарувида муҳим демократик хусусиятлардан бири – “арз тинглаш” маросимининг муфассал баёнини ҳам ёзиб қолдирган: “Пешин намозидан кейин хон ташқарига чиқади ва айвонга ўтириб арз тинглайди. Арзга келган хотин, эркак болалар ҳар хил кийимда, ҳатто ярим яланғоч бўлса ҳам, хон олдида киритилади. Халойиқ эшик олдида ғала-ғовур кўтариб туради. Уларни якка-якка киргизадилар. Хон ҳузурига кирган киши хоннинг олдида жуда яқин бориб, ўзини бемалол тутиб арзини айтади. Хонга эътироз билдирадими, баъзан хоннинг бир имоси билан жаллод қўлига тушишини билса ҳам, у билан баҳслашиб қолади. Аср намози бу толиктирадиган арз тинглаш маросимида хотима беради”.

Оллоқулихон буйруғи билан 1835 йили карвонсарой ва унга яқин жойда қурилган усти ёпиқ бозор – тим ҳақида ёзган Вамбери бу иншоот кичик бўлса-да, анча баланд 120 та дўқонга эга бўлган деб кўрсатиб ўтган эди. Тимнинг атрофида нон бозори, баққоллар бозори, шам бозори ва сартарош бозори жойлашган эди.

Хоразм қадимдан деҳқончилик маданияти ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Венгер сайёҳи, “Ўрта Осиё саҳросида қандай қилиб экин майдонлари гуллаб-яшнаб турганига ҳайрон қоласиз. Иш-ҳаракатлари, ер ҳайдашлари ибтидоий усулда бўлса ҳам, дон ва ҳосил мўл бўлади”, – дея қайд этади. Олим ўз эсдаликларида Хива шафтолиси ва анорларининг машҳурлигини таъкидлайди. Хиванинг ширин меваларини Эрон, Туркия, ҳатто Европандан топиш мумкин эди. “Меваларидан Ҳазорасп олмаси, Хива шафтолиси ва анорлари, айниқса, ширин қовунларининг доврўғи Хитойгача етиб бориб, “Осмон подшоҳлиги” ҳукмдорлари ҳар йили Хитойга юборилаётган совғалар орасида бир неча қовун солинган бўлишини сўрашган”, – дея ёзган эди Вамбери.

Олимнинг таърифида кўра, энг

вожини ҳам ўрганган. “Хивада икки оғани Мунис ва Мироб (Огаҳий – муаллиф) ажойиб шеърлар ёзиб, Мирхонднинг тарихий асарларини ўзбек-турк тилига таржима қилган. Таржима жараёни 20 йил давом этган”, – дея ёзади у.

Арминий Вамбери тадқиқотлари (ўз даврида айрим мақсадлар учун амалга оширилган бўлса-да) XIX аср ўзбек хонликлари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унинг асарлари ўз давридаёқ деярли барча европа тилларига таржима қилиниб, Марказий Осиё халқлари тарихи, маданиятини дунёга танитишда муҳим рол ўйнаган.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, венгриялик сайёҳга маҳаллий аҳоли доимо ёрдам берган. Айниқса, бу ўринда Мулла Исҳоқ номли тарихий шахс номини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Асли қўнғиротдан бўлган Мулла Исҳоқ билан Вамбери Хивада танишиб қолади. Вамбери билан танишгач, у ҳам Маккага боради, деб ўйлаб можар сайёҳи билан бирга йўлга чиққан. Хивадан сўнг Бухоро, Самарқанд ва Қаршида бирга бўлишганидан сўнг сайёҳ, Мулла Исҳоқ ва яна номаълум икки ҳожи билан Хирот томон кетишади. Кейинчалик Европага боргандан сўнг у тез орада венгер тилида ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштириб олади ва венгрия фанлар академиясининг шарқ кўлёмалари бўлимига ишга кирилади. Афсуски, Мулла Исҳоқнинг сўнгги ҳаёти, қилган ишлари хусусида материаллар ҳали топилганича йўқ.

2013 йил 26 октябрда Хива аркида шарқшунос олим Арминий Вамберига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Бу, албатта, она юртимиз, маданиятимизга муҳаббати кучли бўлган олимга халқимиз кўрсатган ҳурмат ва эҳтиром ифодаси эди.

Юлдузхон РАХМОНОВА,
Урганч давлат университети
тузилмасидаги “Қатагон
қурбонлари хотираси” музейи
директори, тарих фанлари
номзоди, доцент

Халқимиз ўз тарихий тақдирида кўплаб ёзувларни истифода этишига тўғри келган. Ўрхун-Энасой, сўғд, хоразм, бактрия, пахлавий, қадимги уйғур, араб, лотин, кирил алифболари шулар жумласидандир.

ЛИБОС ТАНАГА ХОС-У МОС БЎЛСИН

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўз ёзуви бўлиши мақсадга мувофиқ, албатта. Лекин жуда кўплаб давлатлар ички ва ташқи омиллар сабаб бошқа халқларнинг ёзувларини истифода этиб келгани маълум.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда бу борада қабул қилинган илк ҳужжатлардан бири ҳам айнан давлатнинг расмий ёзуви тўғрисида бўлган. Бу Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги (1993 йил, 2 сентябрь) Қонуни эди. Ушбу Қонун “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади,”— дея қайд қилинган.

Бунга эътироз йўқ. Энг қизиғи, бугун муаммога айланган “Ш”, “Ч” ва “Ў”, “Ғ” ҳарфлари ўша пайтда тўғри ифода этилган. Ҳатто, каминанинг бир неча ўқув кўлланмаси ва “Ҳарфлар гулшани” номли янги алифбони ўргатишга қаратилган манзумаси ҳам чоп этилган. Кўпчилик ўрганишга астойдил киришди, аҳолининг муайян қатлами буни эгаллади ҳам.

Кўп ўтмай, унга ўзгартириш кириши ҳақида масала ўртага ташланди. Натижада яна битта ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар кириши ҳақида қонуни (1995 йил

16 май) эълон қилинди. Шунга мувофиқ куйидагича ўзгартиришлар киритилди.

1. «31 ҳарф ва 1 тутук белгиси (апостроф)дан» сўзлари «26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. С с, Ғ ғ ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилсин.

3. Ӯ ӯ ҳарфи Ӯ Ӯ, шаклида, Ӣ ӓ ҳарфи Ӣ Ӣ шаклида, Ҷ җ сарфи Sh sh шаклида. Ҷ җ сарфи Ch ch шаклида. Ӣ ӓ ҳарфи Ng ng шаклида. Q ҳарф белгиси q шаклида ифодалансин.

4. A a, I i, G g, G' g', Q q, O' o', Z z ҳарфлари ва Ch ch ҳарфлар бирикмасининг ёзма шакли тегишлича A a, I i, G g, Ӣ ӓ, Q q, O' o', Z z, Ch ch тарзида ифодалансин.

Бу ўринда эътирозли муносабатимиз 3 – бандга тааллуқли. Нега уни ўзгартиришга эҳтиёж туғилди?

Таъбир жойиз бўлса, тил тана, ёзув либосдир. Шундай экан, танага мос ўлчовдаги либос хос ва мос бўлади ва уни кўрганда ярашиқли, ҳам қарашли бўлади. Халқимиз ўз тарихида жуда кўп ёзувларни истифода этган. Яъни, либосларни алмаштиришга мажбур бўлиб келган. Шунга эътироз этиш керакки, дунё халқларининг ҳеч бирида ўз тилида мавжуд бўлган товушларни тўла ифода эта оладиган алифбо то хануз мавжуд эмас. Алифбо имкон даражада қисқалikka интилади. Агар бизда мавжуд бўлган товушларни қандайдир ҳарфий белги билан ифода этиш зарур бўлганда уларнинг сони элликка яқин бўларди. Шунинг учун ҳам имкон даражада умумийлаштириш, алифбо ҳарфларини қисқартириш, майли бошқа халқлар тақдирида ҳам муҳим рол ўйнаган.

Эндиликда эса илк маротаба қабул қилинган пайтдаги ҳолатга қайтиш ма-



саласи кўйилди ва ҳужжат ҳам тайёрланди. Бу муҳим ва зарур. Айримлар бу иқтисодий жиҳатдан жуда катта харажатни талаб этади деган фикрни билдиришарди. Лекин маънавий жиҳатдан берадиган зарари ҳам бундан кам эмас. Сабаби бунда албатта, айрим ҳарфларни ўзгартириш мослаштириш зарур эди.

Ёзув инсоният даҳосининг буюк кашфиётларидан бири. Чунки у бўлмаганда аждодларнинг орзу-армонлари ва интилишлари ҳақида таассурот уйғонмаган бўларди ва биз хабар топмаган бўлардик.

Шунинг учун ҳам тил ва ёзув масаласи жиддий муаммодир. Саводхонлик белгиси оғзаки ва ёзма нутқда фикрни тўла ифода этишга қобилликни англади. Давлат тили ва ёзувига мутасадди ташкилотлар юқоридаги фикримизга монанд ҳолда алифбони тайёрлаб беришган. Эндиликда уни тезроқ жорий этиш мақсадга мувофиқ. Келгуси йил бошидан бу тўла амалга оширилиши қайд этилган. Лекин биз таяёрми? Тоҳануз аксарият нашриёт ва матбуот нашрлари кирилл алифбосида чоп этилмоқда. Омmani янги алифбога ўргатишга тайёрлаб бориш керак эмасмикан?

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганнинг 33 йиллиги муносабати билан барча таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида маънавий тадбирлар бошланди. Бу яхши. Лекин нега фақат давлат тилига эътибор фақат байрам арафасида бўлади. Тил масаласи мавсумий мавзу эмаслигини билсак ҳам негадир эътибор қилавермаймиз. Ахир, ундан ҳар қуни фойдаланамиз, унга ҳар дамда эҳтиёж

сезамизку.

Ёзув масаласи ҳам худди шундай. Лотин ёзувига асосланган алифбодани имломизда барчанинг тўғри ёзиш маънасини ошириш чораларини жиддий кўриб чиқиш зарур. Ривожланган давлатларнинг аксариятида саводхонлик масаласига жиддий эътибор қилинади. Ҳатто ана шу мақсадга хизмат қилувчи тил ва ёзув рутбасини назорат ва ҳимоя қиладиган ташкилотлар бор. Негадир биз бу масалага унчалик эътибор қилмаймиз. Саводхонликни сингдириш механизми тараққий этган кўплаб давлатларнинг муҳим муаммоларидан саналгани аниқ. Бу фаолият уларда турли ёш, соҳа ва касбий йўналишлар бўйича амалга оширилади. Худди шундай муассасалардан Буюк Британияда “National Literacy Trust” (Миллий саводхонлик фонди) ва АҚШда “Key to Literacy” (Саводхонлик калити), Россияда “Центр грамотности” (Саводхонлик маркази) ташкилотлари мавжуд.

Шуни унутмайликки, “қайси тилда ариза ёзишнинг нима аҳамияти бор, ишга кирсам бўлди ёки қайси тилда бўлса ҳам реклама қилсам етарли, маҳсулотим сотилса бўлди-да” - деган кишида миллатпарварлик, қолаверса, ватанпарварлик туйғуси ҳам бўлмайди. Айрим ёшларнинг интернет тармоқларидаги ёзишмаларини кўриб юрагингиз орқага тортиб кетади. Савод масаласи нахотки, шу ҳолатга келиб қолган бўлса.

Маънавийнинг муҳим белгиси том маънодаги саводхонлик эканини унутмаслик керак. Бу эса оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини амалда қўлланилишини, тилнинг орфоэпик ва орфографик қоидаларининг ишлатилишини назорат этиш заруратини ҳам келтириб чиқаради. Айни пайтда оғзаки нутқнинг турли кўринишларида - монолог, диалог, суҳбат, интервью, баҳс-мунозара каби шаклларда сўзловчининг ўз фикрини чиғаллаштирмасдан, очиқ ва раво ифода этиш компетентлигига қаратилган риторик маҳоратни, нотиклик санъатини тақомиллаштириш масаласи ҳам ёзма нутқ саводхонлик даражамизга боғлиқдир.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

Маданият хабарлари

“Лазги” доврўғи

Хоразм вилояти кўғирчоқ театри жамоаси нафақат болажонлар, шунингдек, катталар учун мўлжалланган кўплаб дилторлар спектакллари билан мамлакатимиздагина эмас, хорижлик томошабинларнинг ҳам эътибор ва эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Жумладан Россия, Германия, Озарбайжон, Англия, Шотландия ва бошқа давлатларга ижодий сафарлар ҳамда фестивалларда намойиш этилган сахна томошалари кўпсонли мухлисларга маъқул ва манзур бўлгани бунинг исботидир.

Шу йил 1-11 октябрь кунлари ижодий жамоа вакиллари театр директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Давронбек Атабаев бошчилигида Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўғирчоқ театрлари фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Чехия, Германия, Венгрия, Туркия ва бошқа мамлакатлар ижодий жамоалари иштирок этган фестивал давомида хоразмлик санъаткорлар “Хива лазгиси” спектаклини намойиш этиб маҳаллий аҳоли ва чет эллик сайёҳларнинг олқишларига сазовор бўлишди.

— Фестивалда намойиш этиш учун айнан “Хива лазгиси”ни танлаганимиз бежиз эмас, — деди театр директори Давронбек Атабаев. — Негаки, лазги ракси миллий санъатимиз рамзи.

Қолаверса, спектаклда халқимизга хос азалий қадриятлар, урф-одатлар аъналар ҳам мужасам. Шу боис Давронбек Исмаилов, Умрбек Оллаберганов, Давронбек Худойберганов, Баҳодир Раҳимовлар зўр маҳорат билан ижро этган сахна томошалари ҳар галги намойишда томошабинларга чексиз завқ бағишлади.

Спектакль Истанбул шаҳрининг аҳоли гавжум Таксим майдони, Ториум савдо маркази, истироҳат ва дам олиш масканларида ҳам намойиш этилди.

Ижодий жамоа ва актёрлар Туркия маданият ва туризм вазирлиги, фестивал ташкилотчилари томонидан ташаккурномалар билан тақдирланди.

Шуниси қувончлики, фестивални эътибор билан кузатиб, ўзбекистонлик санъаткорлар ижодидан завқланган Эрон, Тайван ва бошқа қатор давлатлардан ижодий ҳамкорлик ва таширф бўйича таклифлар ҳам билдирилди. Бу ҳам ўз навбатида ўзбек санъатига бўлган қизиқиш ва эъзоз белгисидир.



МУЗЕЙ ШАҲАРДА КИНОФЕСТИВАЛЬ

Қадимий Хива шаҳри, “Ичан Қалъа” давлат музей-қўриқхонасидаги Кўҳна Арк меъморий мажмуасида Корея кинофестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилган кинофестивал дўстлик ва маданият байрамига айланди.

Маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар, шунингдек, шаҳар аҳолиси вакиллари иштирок этган фестивал аввалида Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси малаҳатчиси Кук Чан Хён, элчихона котибаси Ким Сэра, “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси директори Шакир Мадаминов киноанжуман катнашчиларини кутлаб, ўзбек-корейс миллатлари ҳамкорлиги барча соҳада қувончли самаралар бераётганлигини таъкидлашди.

Сахнада ўзбек ва корейс куй-қўшиқлари янграб, рақслар ижро этилди. Томошабинларга ва билимдонлик бўйича ўтказилган викторина ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Корейс миллий қадриятлари, аъналарини ва урф-одатлари акс эттирилган ҳужжатли фильмлар намойиши барчага унутилмас таассуротлар бахш этди.

Отабек ИСМОИЛОВ,
журналист

Самарқандда Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Маматкул Ҳазраткулов иштирокида ижодий
учрашувлар ўтказилди.



БИЗНИНГ БОРИМИЗ – АДАБИЁТИМИЗ

Бугунги ўзбек адабиёти, журналистикасининг даргалари билан бўладиган бу галги учрашувларга ҳам кизиқиш катта эди, “қачон, қаерда бўлар экан?”, деб сўровчилар кўп эди.

Шароф Рашидов номи билан аталадиган Самарқанд давлат университетидан ташкил этилган дастлабки учрашувда маҳаллий ижодкорлар, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан бирга вилоятнинг турли ҳудудларидан келган адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Учрашувда Самарқанд ижодий муҳити ва бу ерда камол топган ижодкорлар, уларнинг мамлакатимиз адабий жараёнидаги ўрни ва таъсири, бугун етишиб келаётган иқтидорлар ижоди ҳақида сўз юритилди. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш юзасидан фикрлар билдирилди.

– Элимизнинг энг катта бойлиги – адабиётимиз, бизнинг бор-йўғимиз эса ижодимиз. Шу орқали халқимизга хизмат қиламиз, китобхонлар қалбига эзгу ғояларни сингдиришга интиламиз – деди ёзувчи Эркин Аъзам. – Адабиётнинг қудрати ҳам шунда. Тўғри, бугун замонавий ахборот технологиялари ривожланди, кенг оммалашди. Ахборот олиш ва тарқатиш имкониятлари кўпайди. Аммо ҳеч қандай техника, технология ёрдамида инсоннинг тафаккурини бойитиб, дунёқарашини кенгайтириб бўлмайди. Бу жараён фақат фикрлаш орқали, ўқиш, уқиш орқали амалга ошади. Буни эса адабиёт бажаради. Китоб у қогоз ҳолида бўладими, электрон шаклдами ижод маҳсули, фикрлар, қарашларнинг қаймоғи. Бадиий асар билан одамларни тарбиялаш, тўғри йўлга бошлаш, ҳеч бўлмаганда ён-атрофидаги воқеа-ҳодисалардан хулоса қилиб, ўз йўлини топишга ундаш мумкин. Адабий жараён шуниси билан характерли, шуниси билан муҳим.

– Самарқанд замини тарихий улғуворлиги ва буюк алломаларга бешик бўлгани билан ижодкорларга ўзгача илҳом бағишлайди, – деди шоир Усмон Азим. – Ҳар гал бу ерга келганимда кўнглимда янги асарлар учун ғоялар тугилади. Кейинги йилларда вилоят ёшлари орасида адабиёт оламига илдам қадамлар билан кириб бораётган йигит-қизларни кўплигини кўриб, уларнинг ижодини қузатиб, қувонаман. Уларнинг шеърларидаги ташбехлар, оригинал топилмалар кишини ўйлантиради, хайратга солади. Шунинг учун бу ерда ижодий учрашувлар, мушоиралар ўтказиш ҳамма вақт менга завқ беради.

Учрашувда Ургутда тугилиб ўсган ва пойтахтда турли масъул вазифаларда ишлаган таниқли журналист, ёзувчи Маматкул Ҳазраткуловнинг ижоди, кейинги йилларда чоп этилган китоблари ҳақида ҳам сўз юритилди.

– Биз учовлон Самарқандга адабиёт, ижод ҳақида суҳбатлашиш учун келганимиз. Буни бизни Самарқандга таклиф қилган Маматкул ака йўл давомида ҳам қайта-қайта таъкидлаб келди, – деди Эркин Аъзам. – Лекин мен суҳбатларимизда шу заминнинг фарзанди, кўп йиллар масъулиятли вазифаларда ишлаган ва

айни чоғда мамлакатимиз маданияти ва санъатини тарғиб қилувчи “Тулистон” журналига раҳбарлик қилаётган Маматкул Ҳазраткулов ҳақида ҳам гапиришиз керак деб ҳисоблайман. Чунки сафдошимиз бу йил 75 ёшга тўлди. Мен Маматкул ака билан турли идораларда бирга ишлаганман, ижод оламига бирга қадам ташлаганмиз, бир-биримизнинг ёзганларимизнинг илк ўқувчилари бўлганмиз. Бу инсондаги юксак билим, сўзга эътибор, масъулиятлилик ва камтарлик фазилатлари ҳамма вақт мени хайратга солган ва ўз навбатида ҳавас қилганман. Маматкул ака шундай инсонки, ўзига топширилган вазифани бажармагунча ҳаловат нималигини билмайди, ҳар бир ишни чин дилдан, виждонан қилади. Шу сабабли мамлакат ижтимоий ҳаётида ўз ўрни бор. Масъул вазифаларда ишлаган пайтларида ҳам ижод қилган бўлса-да уларни тўплаб китоб ҳолида чоп этишдан вақтини қизғанди. Мана энди бугун ўша асарларни бирма-бир китоб қиляпти, яхши-яхши асарлар ёзаяпти, таржима қиляпти. Биргина шу йилнинг ўзида тўртта китоби чоп этилмоқда.

Маматкул Ҳазраткулов дўстларининг тазрири ва эътибори учун миннатдорлик билди-

ган экан, ваъдани оажаришга имкон тугилди. Лекин Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари вилоят бўлимлари фақат Жомбойда эмас, Самарқанд шаҳрида ҳам адабий кечалар ташкил этиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Х.Бобомуродова, Ф.Тошев, адабиётшунос олим Ҳ.Умунов элимиз ардоғидаги ижодкорлар асарлари, уларнинг ижоди ҳақида фикрларини билдирди.

Бундай учрашувларда, табиийки, ёшларнинг саволлари кўп бўлади. Бу гал ҳам талабалар, ёш ўқитувчилар ижодкорларнинг ёшлиги, устозлари, ўқиган китоблари, энг биринчи асарлари, бугунги ёш шоир ва ёзувчилар ҳақидаги фикрлари билан қизикди.

Жомбой туманида яқинда фойдаланишга топширилган кинотеатрда ўтказилган учрашув, “Умид” тўғараги аъзолари билан суҳбат ҳам устоз ижодкорларнинг ўзига хос маҳорат сабоғига айланди. Тадбир давомида жомбойлик истеъдодли ёшлар улардан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларига жавоб олди.

Самарқанд вилояти педагоглари янги



риб, мазкур учрашувларнинг ташкил этилиши тарихига тўхталди.

– Ўтган йил май ойида Ургут тумани ҳокимлиги таклифи билан бир гуруҳ ижодкорлар, олимлар тумандаги маҳаллалар ва таълим муассасаларида учрашувлар ўтказгандик, – деди М.Ҳазраткулов. – Ана шу сафаримиз чоғида Жомбой тумани ҳокимлиги ҳам бир маданий-маърифий тадбирга таклиф қилди. Бордик, жомбойлик ижодкорлар, ёшлар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Учрашув чоғида туман ижодкорларининг “Умид” адабий тўғараги аъзолари мени ушбу гуруҳнинг навбатдаги машғулотларида қатнашишга таклиф қилишди. Рози бўлдим ва шу йилнинг март ойида Самарқандга келганимда Жомбойга бориб “умид”чиларнинг галдаги учрашувида иштирок этдим. Шу учрашув чоғида ёш ижодкорлар мендан дўстларимиз – Эркин Аъзам ва Усмон Азим билан ижодий учрашув ташкил этишда ёрдам сўрашди. Мен уларни Жомбойга олиб келишга ваъда бердим. Кейин бу таклифни Эркин ва Усмонга айтганимда улар ҳам розилик билдиришди. Аммо бу ваъдани бажарганимча олти ой вақт ўтди. Чунки бу вақт орасида Самарқанд жуда катта халқаро тадбирга тайёргарлик кўрди, вилоятда катта қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бутун мамлакатнинг, дунёнинг нигоҳи Самарқандда бўлди. Шукр, ШХТнинг Самарқанд саммити юксак савияда ўтди. Мана, насиб қил-

методикаларга ўргатиш миллий марказида эса ўқитувчилар билан учрашувда ўқувчиларнинг китобга меҳрини ошириш, аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришда устозларнинг роли катта эканлиги алоҳида қайд этилди. Муаллимнинг ижодкор тайёрлашдаги маҳорати алоҳида айtilди. Мазкур учрашувда вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳам иштирок этди ва ижодкорларнинг фикрларини қўллаб-қувватлади.

– Муаллим маҳалладаги зиёлиларнинг зиёлиси ҳисобланади. Одамлар унинг юриш-туришидан, суҳбатидан ибрат олади, – деди Э.Турдимов. – Муаллим деганда, айниқса кекса авлод, қўлида доимо китоб ушлаб юрган кишини тасаввур қилган. Бугунги муаллим ўз номига, мактабларда яратилаётган шароитга, кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояга муносиб бўлиш баробарида глобаллашув жараёни талабларини ҳам ҳис қилиши зарур. Шогирдларига билим беришда фидойилик қилаётган ва ибрат бўлаётган муаллимларга ҳавас қиламан.

Пойтахтдан келган меҳмонлар учрашув ва ижодий кечалар билан чекланмай, “Буюк ипак йўли” халқаро туристик маркази, Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Муқаддас қадамжолар зиёрат қилинди. Мухими, уларнинг ҳар бир мулоқоти иштирокчилар учун чинакам дарс, сабоқ бўлди.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1008
Адади: 2050.

Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.


ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



Ёзгул газалу қўшиқ-лапарлар,
Сўзларки – сизни деб чопарлар.
Меҳри дилингизга йўл топарлар,
Завқимга камоли завқ ортарлар.

Воҳид Абдулло

60-йилларнинг бошида устоз Воҳид Абдуллодан “XVIII ва XIX асрнинг биринчи ярми адабиёти” курсидан маърузалар тингладик. Маърузалар қизиқарли, таъсирчан, илмийлиги чуқур эди. Илмийликни тўлиқ англаш учун кўп изланиш лозим бўларди. Айниқса, Алишер Навоий ижодини ўзлаштирмасдан Паҳлавонкули Равнақ, Муҳаммаднинг Нишотий, Шермуҳаммад Мунис каби санъаткорлар дунёсининг новаторлигини тушуниш кийин эди. Яна домла бадий воситаларга келтирган мисолларнинг поэзиясини ҳис қилиш учун, албатта, улар (тажохилу орифона, тазмин, талмех... мутаносиб санъати)нинг қонун-қоидаларини ўрганиш лозим бўларди. Илмий чуқурлик биз талабаларни излашга, бой адабиёт кабинетидagi китобларни титкилашга ундарди. Бундай ижодийлик ҳаммамизга завқ улашарди; топганимизни худди ўзимиз кашф қилгандек сезардик. Бу устоз берган илҳом самараси эди.

Устоз ўқиган “Паҳлавонкули Равнақ” маъруза матнини (дафтаримни) варақлар эканман, Устоз тимсоли тирилиб ўз ҳикматларини, кашфиётларини баён қила бошлайди:

“Равнақ Навоий шеърлари изидан бориб, ўзи яшаган давр ва муҳитнинг воқеаларини, фикр-ўйларини Навоий традицияларига уйғунлаштиради. Чунончи, Навоийнинг “Қолмамиш” радибли бир шеърда вафосизликнинг аламли оқибатлари мана бундай тасвирланади:

Ўйла бузмиш меҳнату гам
хайли кўнглим кишварин,
Ким нишот анда
сигингунча фазоси қолмамиш...
Ёрким қилмас жафога жабр
эрмас раҳмдил,
Ким менга кўргузмаган
жабру жафоси қолмамиш.

Равнақ ана шу ғазалга мухаммас боғлаб, ўз даврида тортган жафоларини, хол-ахволини тубандагача чиқиб беради:

САМАРҚАНДНИНГ ЎЗИДАЙ КАТТА МУАЛЛИМ!

Оҳким мен чекмаган даврон
жафоси қолмамиш,
Кўнглимга андин риоят
илтимоси қолмамиш,
Сайри бог айларга табиим
иқтисоси қолмамиш,
Менга энди сарв ила гул
муддаоси қолмамиш,
Сари бўйлуқ гулжабинликлар
жавоси қолмамиш.

Навоийнинг «Яна» радибли бир шеърда инсоннинг бошига тушган оғир бир фожиа мана бундай тасвирланади:

Ақл йитти, ҳуш кетти,
кўнгул куйди, чиқди жон,
Шукр эт зиди, Навоийки,
сабукбор мен яна.

Равнақ бу ғазалнинг ғоявий йўналишини давом эттириб, ўзининг беморлиги ва дардига даво кидиришини куйидагача ифодаляди:

Ё раб, бир ойга ошиқи
дилдор мен яна,
Тунлар гамида тошгача
бедор мен яна.
Дардим давоси қайдаки,
бемор мен яна.
Хайҳот кам биров гамида
зор мен яна,
Фарёдким, балога гирифтормен яна.

Демак, бу истеъдодли шоир ҳам ғоявий мазмун, ҳам бадий форма масалалари юзасидан Навоий меросига жуда кўп мурожаат қилган...”

Ушбу мисолнинг ўзиёқ устознинг қувваи-ҳофизаси жудаям кучли эканига, маърузасининг асосини шеъринг замзамалар (асослар, далиллар, мисоллар) ташкил қилишига исботдир. Устоз буларни ёддан ўқийдилар. Конспектларига қарашга эҳтиёж сезмасдилар. Ғазал ва мухаммаслар, туюқ ва рубойлар қуюлиб келарди ва мантиқан шундай боғланардики, алал-оқибат, Навоий лирик даҳосининг буюклиги исботини топарди. Устознинг

нозикфаҳмлиги, билимдонлиги, закийлиги, беғуборлиги, сўзларни, атамаларни “раксга” тушириш санъати завққа кўмарди, мумтоз адабиётимизга бизни ошуфта қиларди. Бу мўъжиза эди. Домламизга насиб этган бу сеҳр барча талабаларни мафтун қиларди.

Шу туфайли бўлса керак, устознинг ҳар бир маърузасининг ўз оҳанги, ўз сеҳри, ўз жозибаси бўларди. Бу оҳанг эса муайян шоир ижодининг Домла кашф қилган поэтик пафосини тайин этарди. Жумладан, Равнақ ижодини традиция ва новаторлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жараёнида унинг замондан шикоят, адолатсиз ҳукмрон табақалардан норозилик каби ижтимоий мазмуни ифодасини ёритишга бош диққатини қаратсалар, Мунис ижодини тарихчи ва шоир нуқтаи назаридан ўрганиб, унинг илмга муҳаббат, хунарга эътиқод, ижодга ҳурмат, виждонли ва вафодор ишқ аҳилларини ҳимоя қилиши тасвирини очишга асосий эътиборини берардилар. Бу улкан билимдонлик ва такрорланмас педагогик тажрибанинг уйғунлигидан юзага келувчи оҳанрабо хислатини ўзида жо этган салоҳият эди.

Талабалик йилларимизда, бизнинг назаримизда, Самарқанддай гўзал шаҳар, СамДУдай комил университет, факультетимиздай сарвар жамоа йўқ эди. Устозларимизнинг барчаси ҳам ўз соҳасининг билимдонлари, фидойилари эдилар. Уларнинг орасида Воҳид Абдулло сардор саналардилар. У кишини фақатгина Самарқандга, Самарқанднинг донишмандлигига, алломалигига, улуғлигига, валламатлигига тенглаштира бошларди. Ҳа, устозни Самарқанднинг ўзидай катта муаллим санардик. Ана шундай устоздан маъруза тинглаш, насихатларини эшитиш, улардай бўлишни, ҳеч бўлмаганда “тулпор”лари сафида бўлишни ҳавас қилиш бизларнинг бош туйғуларимиз эди...

Устоздаги бу хислатлар, ўзига ром этишдаги ва ўзгаларга илм улашишдаги мохирлик ҳамон тиррик, ҳамон хизматда. Уни баъзан устознинг шогирдлари – академик Ботирхон Валихўжаев, профессор Раҳмонқул Орзибеков, жиянлари профессор Юсуфжон Абдуллаев маърузаларида сезганимда қувонаман. Баъзи маърузаларим шогирдларимни ром этганида, устоз салоҳиятининг таъсирдан дея англайман, уни ҳам кимлардир ўзлаштираётганидан беҳад севинаман. Устознинг бошқача бир тарзда, яъни биз шогирдлар ақлу қалбида яшаётганидан, комил инсонларни етиштиришга ҳисса қўшаётганидан, бу боқий умрни устоз шеъринг йўлда башорат қилганларидан ҳайратланаман:

“Қайда бўлманг, бу билим
даргоҳи-ла бўлсин кўнгли!
Олий таҳсил ҳосилингиз
мавжидан тўлсин нуқул!
Баҳри уммони азими маърифатга
айланинг!
Устоз Айний бўлинг!
Ойбек бўлишга шайланинг!
Кордорга кор осон, дер экан
пиру жавон,
Айта олсин вақти бирлан, –
Жўражон, қораиш калон!
Ҳам «хорошо», ҳамда «олрайту»,
«данкиён», «бонжур» десин!
Сен ишонччи оқладингми,
қандингни ур, десин.
Ҳам биродар, Сизда бўлсин
Самарқандча самар –
СамДУлик устодлар ҳам,
Воҳид муаллим ҳам яшар!”

**Ҳотам УМУРОВ,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат
университети
профессори, филология
фанлари доктори, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси**